ALSKOM
SUG'URTA KOMPANIYASI
Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Tepamasjid ko'chasi, 4 uy. / г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Тепамасжид, дом 4. tel/faks: (+998 71) 201-11-00.
URL: www.alskom.uz
e-mail: info@alskom.uz

«ALSKOM SUG'URTA KOMPANIYASI» Акциядорлик Жамияти
Кузатув Кенгаши мажлиси
32 - сонли баённомасидан кўчирма

Ўтказиш жойи: Тошкент ш., Тепамасжид кўчаси, 4-уй («ALSKOM SUG'URTA KOMPANIYASI» биноси)
Ўтказиш санаси ва вақти: 2026 йил "9" июнь, соат 10:15

Қатнашдилар:

Кузатув Кенгаши Раиси:	Ж.Ш. Эгамбердиев
Кузатув Кенгаши аъзолари:	М.М. Махмудов
	А.А. Кадиров
	У.А. Қўқонбоев
	А.М. Махамадов
	М.М. Якубов
	И.М. Бахромов
	Ш.А. Бадалбоев
	Т.К. Иминов

Жами 9 аъзо иштирок этди. Мажлисни ўтказиш учун кворум мавжуд.
Таклиф этилганлар:

Бош директор в.в.б:	З.И. Рахимов
Бош директор ўринбосари:	М.А. Алимджанов
Бош директор ўринбосари:	Ж.Б. Аширов

КУН ТАРТИБИ:

1. Компания Бош директорини тайинлаш тўғрисида.

ТИНГЛАНДИ:

1. Кун тартибидаги масала бўйича Ж.Ш. Эгамбердиев сўзга чиқди.

Компания Кузатув Кенгаши йиғилишининг 2026 йил 14 январдаги 25-сонли Қарорига асосан вакант турган Компания Бош директори лавозимига очиқ танлов ўтказиш бўйича Комиссия тузилган.

Ушбу Комиссиянинг 2026 йил 9 июндаги 1-сонли Қарорига асосан "ALSKOM SUG'URTA KOMPANIYASI" АЖ Бош директори лавозимига Компаниянинг амалдаги Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи Рахимов Зохидбек Исмаилжановични Молия вазирлигининг 2013 йил 30 апрелдаги 42-сонли буйруғи билан тасдиқланган (Адлия вазирлиги томонидан 30.05.2013 йилда 2462-сон билан рўйхатдан ўтказилган) «Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан келишган ҳолда тайинлаш масаласи Компания Кузатув Кенгаши муҳокамасига киритилиши белгиланган.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2026 йил 08 июньдаги №02/19-2-1-3174-сонли хатига асосан *(илова қилинади)* "ALSKOM SUG'URTA KOMPANIYASI" АЖ Бош директори лавозимига номзод Рахимов Зохидбек

Исмаилжанович «Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисида»ги Низом талабларига мос келиши тўғрисида хулоса берилган.

Компания Уставининг 9.41 моддасига асосан Компания Бош директори Кузатув Кенгаши томонидан 3 йил муддатга сайланади (тайинланади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб Жамият Кузатув Кенгаши Рахимов Зохидбек Исмаилжановични 3 йил муддатга (2026 йил 09 июндан 2029 йил 08 июнгача) «ALSKOM SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ Бош директори лавозимига тайинланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

...

Муҳокамадан сўнг овоз беришга қуйидаги масалалар қўйилди.

1. Рахимов Зохидбек Исмаилжанович 3 йил муддатга (2026 йил 09 июндан 2029 йил 08 июнгача) «ALSKOM SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ Бош директори лавозимига тайинлансин.

...

Овоз бериш якунлари: "ёқлайман" - 9 овоз, "қаршиман" - йўқ, "бетарафман" - йўқ.

Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибига қўйилган масала бўйича Кузатув Кенгаши ҚАРОРИ:

1.1. Рахимов Зохидбек Исмаилжанович 3 йил муддатга (2026 йил 09 июндан 2029 йил 08 июнгача) «ALSKOM SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ Бош директори лавозимига тайинлансин.

...

Кузатув Кенгаши Раиси	**(имзоланган)**		**Ж.Ш. Эгамбердиев**
(имзоланган)	М.М. Махмудов	(имзоланган)	М.М. Якубов
(имзоланган)	А.А. Кадиров	(имзоланган)	И.М. Бахромов
(имзоланган)	У.А. Қўқонбоев	(имзоланган)	Ш.А. Бадалбоев
(имзоланган)	А.М. Махамадов	(имзоланган)	Т.К. Иминов

Баённомани М.А. Алимджанов тузди (имзоланган)

Аслига тўғри _____ М.А. Алимджанов